



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 6 декабрь, № 253 (8876)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА СИФАТ УСТИДА ИШЛАШ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ПАСАЙТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни
автомобиль саноатида 2025 йил учун устувор
вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу масала ўтган ойда муҳокама қилинган, мутасаддиларга режаларни танқидий кўриб чиқиш топширилган эди. Бу галги тақдимотда Президент кўрсатмалари асосида такомиллаштирилган чора-тадбирлар баён қилинди.

Аввало, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига эътибор қаратилади. Ҳозир йилга 400 мингдан зиёд автомобиллар сотилапти. Аҳоли жон бошига даромад ошаётгани боис бу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади. Бундан фойдаланиб, талабга яраша маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Қолаверса, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кўтилмоқда. У ҳолда, бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат янада кучаяди. Шунинг учун сифат устида ишлаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, 2025 йилда “BYD” автомобилларининг 60 та деталини маҳаллийлаштириш ҳисобига электромобиль тан-

нархини пасайтириш мумкин. Ушбу компания раҳбарияти ҳам юртимиздаги тармоқ корхоналари салоҳиятини юқори баҳолаган. Шу боис Маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш маркази имкониятларини ишга солиб, ҳудудий корхоналар билан кооперация ҳажмини 2 қарра ошириш вазифаси қўйилди.

Яна бир муҳим масала — экспорт. Сўнгги йилларда қўшни давлатларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани натижа-сида 40 мингдан ортиқ автокомплектлар сотилган. Келгуси йил экспортни 700 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, Самарқанддаги автобус ва юк транспорти корхоналарини ҳам ташқи бозорларга олиб чиқиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида тўхталди. Замон талабларига мослашиб, ишлаб чиқаришни барқарор қилиш, маркетинг ва сифат бўйича ҳар куни изла-ниш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов 5 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Туркман халқининг миллий етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Илгари эришилган келишувлар ихросининг бориши ва бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалалари томонларнинг эътибор марказида бўлди.

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар сезиларли фаоллашгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўтган ойда Туркменистонда Худудлар форуми, саноат кўргазмаси ва Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, Ашхобод шаҳрида атоқли мутафаккир ва шоир Махтумқули Фироний асарларининг ўзбек тилидаги тўплами тақдими ҳамда унга бағишлаб биргаликда суратга олинган бадиий фильм намойиши бўлиб ўтди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш

ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Юк ташишлар, шу жумладан, Туркманбоши порти орқали кўпаймоқда. «Шовот — Тошовуз» чегараолди зонаси қурилиши давом этмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа йўналишларда кооперация кенгаймоқда.

Энергетика ва сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жорий халқаро вазият ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Сўхбат чоғида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисини яқинлашиб келаётган байрам — Бетарафлик куни билан самимий табриклаб, биродар туркман халқига фаровонлик ва раванқ тилади.

Ў.А.

Атом энергиясидан тинчлик
мақсадларида фойдаланиш
истиқболлари:

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Самарқандда “Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг барқарор ривожланиши учун атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш истиқболлари: халқаро ва миллий тажриба” мавзuida халқаро конференция ўтказилди.

Конференция



Анжуманда Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)-га аъзо давлатлар, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия, АҚШнинг етакчи мутахассислари, Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА), Бутунжаҳон ядро ассоциацияси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон ҳукумати ва парламент аъзолари, хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирок этди.

Конференция аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро анжуман иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Президент Матбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатида иқлим ўзгаришларининг салбий таъсири ва анъанавий энергия манбалари тақчиллиги яқол сезилаётган ҳозирги шароитда тинч атом ҳаёт сифатини яхшилаш ва миллий тараққиёт стратегияларини амалга оширишда муҳим муқобил ечим ҳисобланиши таъкидланган. Атом энергияси бўйича илгор технологияларнинг жорий этилиши мамлакатимиз тарақ-

қиётига кучли туртки бериши ҳамда янги илмий-технологик ишланмалар ва инновацион иқтисодиётга ўтиш учун имкон яратишига ишонч билдирилган.

Шунинг учун мамлакатимизда соҳанинг ҳуқуқий-институционал асоси мустаҳкамланди, махсус агентлик ташкил қилинди, соҳа учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизими жорий этилди. Юртимиз жаҳонда биринчилардан бўлиб, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ кичик қувватли атом электр станцияларини барпо қилишга киришди.

Президентимиз ўз мурожаатида Халқаро атом энергияси агентлигига қувватли атом электр станцияларини барпо қилишга киришди.

Президентимиз ўз мурожаатида Халқаро атом энергияси агентлигига қувватли атом электр станцияларини барпо қилишга киришди.

Президентимиз ўз мурожаатида Халқаро атом энергияси агентлигига қувватли атом электр станцияларини барпо қилишга киришди.

Президентимиз ўз мурожаатида Халқаро атом энергияси агентлигига қувватли атом электр станцияларини барпо қилишга киришди.

«Дунё» АА.

Қулола-Лумпур

БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топиши, озод ва обод, фаровон ҳаётга эришишида қандай омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади? Унинг интеллектуал салоҳияти? Яқинларнинг қўллаб-қувватловими? Ёки

Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётидаги бекиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Конституция — тақдиримизда

жамиятда қарор топган соғлом муҳитми? Буларнинг барчаси киши камолоти, манфаатларига хизмат қилади, аслида. Яна бу омиллар орасида ҳуқуқ ва эркинликларимизни кафолатлаб, бурчларимизни мустаҳкамлаб турувчи қонунларнинг ҳам аҳамияти бекиёс.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ана шундай қонунлар мажмуаси бўлиб, мамлакатимизда демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларини таъминламоқда. Жамиятимизда умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини мустаҳкамлаб, фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi учун қулай шарт-шароитлар яратишда асос бўлаётди.

Ўтган йили миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида Конституциямиз янги тахрирда қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди. Инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари-га доир янги боб ва моддалар билан бойитилди. Натижада Асосий Қонунимиз янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

3-саҳифага қаранг. ➡

БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР ФАОЛ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Аҳмад Фарук билан учрашув ўтказди.

Сўхбат чоғида томонлар Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар барқарор ривожланиб бораётганини, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик амалга оширилаётганини қайд этди. Олий даражада эришилган келишувларни бажаришга эътибор қаратилди, бу жараёнда парламентлар муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутадиган парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт ва туризм каби устувор йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар мазкур соҳаларда қўша лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, уларнинг бой тарихий-маданий мероси билан танишишга қаратилган қўша маданий тадбирларни ўтказиш имкониятлари муҳокама қилинган учрашувнинг муҳим жиҳати бўлди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига, икки давлат халқлари манфаатлари йўлида белгиланган режалар фаол амалга оширилишига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган “Янгиланган Конституция — парламент ислохотларининг ҳуқуқий асоси” мавзuida парламент конференцияси ўтказилди.

Унда қўйи палата депутатлари, сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, тадқиқот институтлари, ахборот-таҳлил марказлари илмий ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Парламент фаолиятида ўзига хос анъанага айланиб улгурган мазкур конференцияда янги тахрирдаги Конституциянинг мамлакатимизда барча даражадаги вакиллик органлари ривожига учун янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратишда ҳамда миллий парламентаризм институти фаолияти самарадорлигини янада оширишда тугган муҳим ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН «2024 ЙИЛДА ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШИ» ДЕБ ТАН ОЛИНДИ

3 декабрь куни Куала-Лумпур шаҳрида Малайзиянинг “Research House of Asia Media” медиакомпанияси томонидан ўтказилган Осиё минтақаси мамлакатларида тадбиркорлик ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича социология ва маркетинг тадқиқотлари натижалари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Эътироф

Тадбирда Малайзия ҳукумати аъзолари, Осиёнинг 20 дан ортиқ давлатлари вакиллари, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг етакчи ишбилармон доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда 2024 йилда “Осиёнинг энг яхши ўнчилиги” ва “Малайзиянинг энг яхши ўнчилиги” номинациялари бўйича эришган юксак ютуқлари учун мукофотлар топширилди.

“Йилнинг энг яхши йўналиши” номинациясида Ўзбекистон “Осиёда 2024 йилги энг яхши мезморий мерос саёҳати йўналиши” сифатида ғолиб деб топилди. Тегишли дипломни Ўзбекистон элчиси Каромиддин Гадовга Малайзия Қироли

Султон Иброҳимнинг синглиси Мариам Захро топширди.

Нуфузли мукофот тақдими чоғида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудида ЮНЕСКОнинг бешта жаҳон маданий мерос объекти мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон миллий ўзига хослиқни, қўллаб-қувватлаш маданияти ва меъморчилиги ёдгорликларини сақлаб қолган кам сонли мамлакатлардан. Айниқса, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарлар ноёб тарихий обидалари билан дунёда жуда машҳур. Чунки ушбу шаҳарлар тарихда Шарқнинг муҳим давлат ва илмий марказлари бўлган.

Қайд этилдики, мазкур мукофот Ўзбекистон ҳукуматининг бутун дунёдан тобора кўпроқ сайёҳларни

жалб этаётган тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасидаги сайёҳаракатларининг эътирофидир.

“Top 10 of Asia” эътирофидир. “Top 10 of Asia” (The Top 10 of Malaysia), “The Top 10 of Indonesia”, “The Top 10 of Singapore”, “The Top 10 of Thailand” ва “The Top 10 of Lifestyle” каби инглиз тилидаги журналларга эълоқ қилиди. Журналлар ҳар ойда 10 минг нусхадан босилади. Улар Малайзия ва Жануби-Шарқий Осиёдаги етакчи китоб дўконлари, дипломатик корпус, меҳмонхоналар, савдо уюшмалари ва давлат идораларига тарқатилади.

ОРТИҚЧА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.



Ушбу ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Миллий гвардия Болалар билан ишлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шу жумладан, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, жамоат жойларида тамаки ёки алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлик, шунингдек, вояга етмаган шахсни гайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб этганлик бўйича ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга доир ваколатларини мустақамловчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қўмита аъзоларининг қайд этишича, ушбу қонун Миллий гвардия органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик-

лар профилактикасига, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга доир фаолиятни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қўмита мажлисида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва тураржойи бўйича хабардор қилиши ҳамда уларни яшаш ва тураржойи бўйича рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги асосий принциплар ҳамда тушунчалар белгиланмоқда.

Сенаторлар таклиф этилаётган қонун билан фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлаш бўйича ҳуқуқлари мустақамланиб, у ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳамда фуқароларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишда ортиқча бюрократик ҳамда коррупциявий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокама якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун атрофлича кўриб чиқилди.

Мажлисида ушбу қонун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимида тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан, ишлаб чиқарувчидан якуний истеъмолчигача бўлган жараёни назорат қилиб бориш тизимини жорий этиш учун дастак ҳисобланиши таъкидланди.

Шунингдек, қонун билан қатор масалаларга оиддинлик киритилаётгани қайд этилди. Хусусан, қонунда асосий тушунчалар, яъни “давлат захираси”, “ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари”, “озиқ-овқат баланси”, “озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захираси”, “озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги”, “озиқ-овқат хавфсизлиги”, “хавфсиз озиқланиш” ҳамда “хомашё” тушунчаларига аниқ таъриф берилмоқда.

Қолаверса, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида асосий тамойиллар ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланяпти.

Энг асосийси, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасини тартибга солиш мустақамланмоқда. Бунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Вазирлар Маҳкамасининг, ваколатли давлат органи, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари аниқ қилиб кўрсатилган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли давлат органи сифатида

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги белгиланмоқда. Унга республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хомашёсини ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга доир қисқа, ўрта ҳамда узоқ муددатли стратегияларни ишлаб чиқиш каби қатор ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, қонунда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан қандай чоралар кўрилиши, озиқ-овқат балансини шакллантириш, истеъмолчиларнинг ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгилан кўйилаяпти.

Қонун ижодкорлари томонидан мазкур қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатдаги озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасига оид нормаларни ягона ҳужжатга унификация қилиш ва тизимлаштириш ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишга хизмат этиши айтилди.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ҲАР ЖИҲАТДАН МАНФААТЛИ ВА ДОЛЗАРБ ҚОНУНЛАР – МУҲОКАМАДА

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида бир қатор қонунлар муҳокама қилинди. Сенаторлар дастлаб “Космик фаолият тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқиди.

Қайд этилганидек, қонунда космик фаолиятга оид асосий тушунчалар ва принциплар, фаолиятни амалга оширишнинг мақсадлари, космик фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари назарда тутилган.

Шунингдек, космик соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш, космик тизимларнинг турлари, яъни Ерни масофадан зондлаш, давлат космик мониторинги, космик алоқа тизими, юқори аниқликдаги сунъий йўлдаги навигация тизими, космик ракета комплексларидан (космодромлардан) фойдаланиш, космик объектларни тамғалаш, ижара бериш, космик объектларни ва техника воситаларини утилизация қилиш, космик инфратузилма ва фаолият хавфсизлиги, фаолиятни молиялаштириш асослари ҳамда халқро ҳамкорлик масалалари ҳам қонунда ўз аксини топган.

Қонуннинг қабул қилиниши келгусида космик фаолиятни тартибга солиш ва соҳага ҳуқуқий мақом беришга, космик фаолият бўйича масуъл органлар ҳамда уларнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилашга, космик фаолият натижасида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, мажлисида “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсири баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама этилди.

Мазкур қонунда экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсири баҳолаш ва стратегик экологик баҳолашнинг тушунчалари, мақсадлари, асосий принциплари, соҳадаги махсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари, экологик экспертизанинг

турлари, объектлари, субъектлари, экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш масалалари акс эттирилмоқда.

Шунингдек, стратегик лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсири баҳолаш тизимини халқро қабул қилинган нормаларга мослаштириш мақсадида стратегик экологик баҳолаш тизимини жорий этиш назарда тутилляпти.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида ҳорижий инвестор ва тадбиркорлар учун ишончли, шаффоф экологик баҳолаш тизими таъминланади ҳамда ўзига жалб этувчан инвестиция муҳити яратилади. Давлат экологик экспертизаси объектлари, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда давлат ҳамда жамоатчиликнинг экологик, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари кўриб чиқилиши таъминланади.

“Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Қонунда “Иссиқхона газлари” чиқарилишини камайтириш натижасида ҳосил бўладиган углерод бирликлари муомаласини амалга оширишнинг тартибини белгилаш ҳамда “Иссиқхона газлари” чиқарилишининг тизимли назоратини таъминлашга эътибор қаратилган.

Қонун мамлакатимизда иқлим ўзгариши бўйича олиб борилаётган ислохотларни жаддалаштириш, атроф-муҳит ва экологияни яхшилаш ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун зарур шароит яратишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов таъкидлаганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда муҳим ҳаётий принциплар ўз аксини топган бўлиб, улар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” китобида: “Янги таҳрирдаги Конституцияда янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий асослари мустақамланиб, миллий давлатчилик тараққиётининг ҳозирги муҳим тарихий босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришга оид устувор йўналишлар белгилаб берилди”, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Янги таҳрирдаги Конституцияда замонавий давлатчилигимизнинг 5 та муҳим устуни, яъни Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги қатъий белгилаб берилди. Ушбу тушунчаларнинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, Бош қомусимиз янги боб ва қоидалар билан бойитилди. Ҳозирда Конституциямиз ўзининг асосий принципларидан келиб чиқиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатини таъминлашда, жамият билан шахс муносабатларида ҳамда мамлакатимизда давлат ҳокимияти самарали ташкил этилишида мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, миллий парламентимизнинг мақоми, уни шакллантириш тартиблари, ваколатлари мустақамланди. Бундан ташқари, Бош қомусда қонунчилик жараёни, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш, бу лойиҳаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, маъқулаш, имзолаш ва матбуотда эълон қилиш каби қоидалар ўз аксини топди.

Бош қомусимизда ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси, унинг ваколатлари, уни шакллантириш тартиби ҳам мустақамлаб қўйилгани, парламентнинг

миллаштирилиб, Бош қомусимиз янги боб ва қоидалар билан бойитилди. Ҳозирда Конституциямиз ўзининг асосий принципларидан келиб чиқиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатини таъминлашда, жамият билан шахс муносабатларида ҳамда мамлакатимизда давлат ҳокимияти самарали ташкил этилишида мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, миллий парламентимизнинг мақоми, уни шакллантириш тартиблари, ваколатлари мустақамланди. Бундан ташқари, Бош қомусда қонунчилик жараёни, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш, бу лойиҳаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, маъқулаш, имзолаш ва матбуотда эълон қилиш каби қоидалар ўз аксини топди.

Бош қомусимизда ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси, унинг ваколатлари, уни шакллантириш тартиби ҳам мустақамлаб қўйилгани, парламентнинг



ижро этувчи ҳокимият фаолиятини назорат қилиш механизмлари очиб берилгани конференция иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг замонавий нормалари Ўзбекистонда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантирди, давлат ўзига улкан ижтимоий-иқтисодий мажбуриятларни олди. Мамлакат ўзини иж-

тимоий давлат сифатида эълон қилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилди. Давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг самарали янги моделига ўтилди. Янги таҳрирдаги Конституцияга асосан янги парламент, янги ҳукумат шаклланди.

Сўзга чиққанлар Конституциямизга парламент фаолиятига оид кўплаб янги нормалар киритилгани, хусусан, Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ҳамда ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгилаб берилганини таъкидлади.

Шунингдек, дастуриламал ҳужжатда мамлакатимиз Президенти томонидан кейинги йилларда юртимизда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топгани, Асосий Қонунимизда давлатимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги барқарор тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигининг мустақам ҳуқуқий асоси ва ишончли кафолатига айлانгани қайд этилди.

Конференция якунида “қонунчилик таклифи” институтидан самарали фойдаланиш, партия рўйхати асосида сайланган Қонунчилик палатаси депутатларини ўз сиёсий партиялари фракциялари билан муносабатларини ташкил этиш, қонунлар сифатини яхшилаш, депутатларнинг ўз сайловчилари ва партиялари билан алоқаларини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИ

Мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида изчил давом этаётган кенг кўламли ислохотлар натижаларини мустақамлашда янги таҳрирдаги Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Халқимизнинг таклифлари, хоҳиш-истаклари асосида ишлаб чиқилган Асосий Қонунимизда, авваламбор, давлат халқ иродасини ифодалаб, унинг манфаатларига хизмат қилиши акс этгани инсон қадрини юксалтиришнинг пойдевори мустақам эканидан далолатдир.

Зеро, унда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти самарадорлигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришга оид муҳим нормалар қатъий белгиланди. Айниқса, инсон саломатлиги муҳофазасига оид ҳуқуқий кафолатлар назарда тутилгани эътиборга молик.

Бинобарин, Бош қомусимизнинг 48-моддасида ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги мустақамланди. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий сўғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳоли санитария-эпидемиология соёсийшталлигини таъминлаш чораларини кўриш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиши ифодаланди. Бундан ангашладикки, аҳоли сийҳат-саломатлигини асраш, ҳар бир инсоннинг омонлиқда ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Шу ўринда кейинги йилларда юртимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, касалликни эрта аниқлаш ва даволашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиш жоиз. Энг аввало, ушбу йўналишда муҳим саналган бирламчи бўғинни такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга ошириляпти. Бу сыйҳат-ҳаракатлар натижасида олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли талаб ва эҳтиёжлари чуқур ўрганилмоқда, оналар ва болаларни хавфли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш чоралари ўз вақтида қўрилмоқда. Хотин-қизларда учраётган кўкрак бези ва бачадон бўйни билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олиш, чақалоқларнинг ирсий касалликлар билан туғилишини камайтиришга сезиларли даражада эришилляпти. Муктасар айтганда, халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатилиши, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланяпти.

Бирламчи бўғинни ривожланти-

Манзур САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасидан.

«ҚўЛДА ИШИМ, ҲАЁТДА МАҚСАДИМ БОР»

Сардорбек ЗИЁДОВ, уста-хунарманд (Жарқўрган тумани):

— Мамлакатимизда фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг самарасини ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Мактабни тамомлаганимдан кейин олийгоҳга ўқишга кира олмадим — керакли балли тўплашга билимим етмади. Мен каби ёшларнинг баъзилари хорижга мавсумий ишга кетишди, моддий имконияти борлари эса нодавлат олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.



Ўзимни билан берк қўчада қолиб кетгандай ҳис этиб юрган кунларнинг бирида маҳалламизнинг ёшлар етакчиси уйимизга келди. Сўхбат давомида муаммоларни, мақсадларимни тинглади. Ишсиз ёшлар рўйхатида эканим туфайли мен билан гаплашиш учун атай келганини, бундан буён “ёшлар дафтери”га киритилишимни айтди. Асосийси, бунинг афзалликлари, имкониятлари ҳақида тушунтираркан, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши кераклигини таъкидлади. Бундан руҳланиб, қалбимда жўшқинлик пайдо бўлди ва галдаги вазифалар, режаларни тиздим.

Дастлаб маҳалламиздаги чилангар устага шогирд тушдим. Хунар ўрганишда ўзимда ҳам иштиёқ юқорилиганимни, бир ой ўтмасдан қўлим ўрганиб, таъбир жоиз бўлса, темирлар билан “тил топишдим”. Темир дарвоза, турли панжара ва тўсиқлар, гилдиракли араваларни мустақил тайёрлайдиган бўлдим. Банкнинг имтиёзли 33 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига зарур бўлган барча асбоб-ускунани харид қилдим.

Қарангки, бугун шогирд эмас, устозим билан тенг шерик бўлиб ишлаяпман. Чиқараётган маҳсулотларимиз харидоргир, уларни сотиш учун бозор қидирмаймиз. Даромадимиз яхши.

Айтмоқчи бўлганим шуки, бугун ёшларнинг камолоти йўлида катта ишлар бажарилаяпти, улар билан ишлашда янги тизим ўз самарасини бераётир. Жумладан, мен ҳам “ёшлар дафтери” орқали ўз йўлини топдим. Қўлда ишим, ҳаётда мақсадим бор. Давлатимиз кўмаги бандлигимни таъминлаш билан бирга, орзуларимга қанот бўлди.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси.

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИКДИ

Мастура ЭРГАШЕВА, зиёратчи (Андижон вилояти):

— Ҳар гал Андижондан Бухорои шарифга келиб, азиз-авлиёлар мангу кўним топган қадамжоларни зиёрат қилганимда ўзимни қушдай енгил ҳис этаман. Етти пир зиёратгоҳида етти иқлимдан келаётган сайёҳларни учратарканман, кўнглимни шукроналик чулғаб олади.



Диний амалларни эмин-эркин бажараётган мўмин-мусулмонларнинг кўриб, шундай тинч ва осойишта юрда яшаётганидан ғурурланаман. Негаки, динга эътиқод масаласи Асосий Қонунимизда ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Чамаси, ўн йилча муқаддам Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Саййид Амир Кулол қадамжоларини зиёрат қилиб, шундан сўнг муқаддас Ҳаж зиёратига йўл олгандим. Ўшандан буён имкон туғилган заҳоти Бухорога — зиёратга йўл оламан. Улуғ мутафаккирлар, диний ва дунёвий билим соҳиблари қолдирган бой маънавий меросдан фарзанду невараларимни ҳам баҳраманд этишга ҳаракат қила-

ман. Зеро, “Қўл ишда, кўнгил Аллоҳда бўлсин”, “Ҳар қадамда ҳушёр бўл”, “Ўй-хаёлингни бир жойга жамла” мазмунидаги таъмоиллар, комил инсон таълим-тарбиясига оид ўғитлар ҳеч қачон қимматини йўқотмайди.

Халқимиз учун бугунги эмин-эркин ҳаётнинг қадри бўлакча. Собиқ иттифок даврида диний қарашлар қаттиқ таъкибга олинарди. Ота-бобларимиз, моомоларимиз турли таъйиқ ва зулмлардан ҳам маънан, ҳам жисмонан азият чеккан. Шукрки, бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислохотлар халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарди. Буни жаҳон аҳли ҳам эътироф этмоқда.

ЎЗИМ, БУТУН ОИЛАМ МУҲОФАЗАСИДАН КЎНГЛИМ ТЎҚ

Муҳаммадали АЛИШЕРОВ, меҳнат фахрийси (Наманган вилояти):

— Инсон борки, мазмунли ҳаёт кечиришни хоҳлайди. Умри давомида моддий имконият ва маънавий қадриятлар унга йўлдош бўлади. Ҳақ-ҳуқуқ ва кундалик манфаатлар шаклида қондирилган бу қадриятларнинг барчаси Бош қомусимизда белгилаб қўйилган.

Масалан, мен саломатлигим доим жойида бўлиши учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканимдан ҳамиша хотиржам яшайман. Ушбу ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда тез-тез бепул тиббий кўрикдан ўтиб тураман. Нафақага чиққангизга ўн беш йилдан ошаётганига қарамай бардам ва тектик эканим шундан. Пенсиям ҳам етарли. Ўз вақтида яхши ишлаганимиз боис

Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддаси.



ижтимоий ҳимоя идораси кўмаги билан тез-тез сихатгоҳга бориб тураман. Энг асосийси, нафақат ўзим, оиламизнинг барча аъзоси туриш-турмуши давлат муҳофазасида эканидан доим кўнглим тўқ. Турмуш ўртоғим ёшга доир пенсия олади. Уч йил аввал тўнгич фарзандим Абдумуталлим жиддий хасталаниб, оёқлари ишламай қолди. Давола-ниш қўтилган натижани бермагач, ижтимоий ҳимоя тизими уни оталиққа олди.

Мутахассислар унга иккинчи гуруҳ ногиронлигини белгилади. Ва шунга яраша нафақа билан таъминланди. Бу эса доридармони, кундалик харажатларига асқатапти. Айниқса, яқинда унга электрон ҳаракатланадиган ногиронлик аравачаси беришганида фарзандимнинг кўнгли тоғдай ўсганини кўриб, тўлқинланиб кетдим. Қарангки, илгари дўстлари ўғлими кўргани келишган бўлса, энди ўғлим ҳам уларни йўқлаб турибди.



Сирожидин ВОХИДОВ олган сурат.

МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан.

Эркин МУСУРМОНОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти кафедра мудири, филология фанлари доктори:

— Бош қомусимизда давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши белгиланган. Бунинг ҳаётий ифодасини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Масалан, мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат фарзандларининг ўз она тилларида тахсил олишлари учун кенг имконият яратилган. Шунингдек, турли тилларда телекўрсатувлар ва радиозашиттиришлар эфирга узатилиб, газеталар чоп этилмоқда. Бу жамиятнинг маданий юксалишига, ҳар хил миллатларнинг она тиллари сақлаб қолинишига, урф-одат ва анъаналари бардавом бўлишига хизмат қилади.

Жамиятнинг илмий ва техникавий тараққиёти ҳақида гап кетганда, кейинги йилларда олий таълим тизимига олиб борилаётган ислохотларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Юртимизда янги олий таълим муассасалари очилмоқда. Хусусий олийгоҳлар фаолият кўрсата бош-



лади. Хориждаги нуфузли институт ва университетлар билан ҳамкорлик кенгайтиди, академик алмашинувлар йўлга қўйилди. Энг муҳими, илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар ва докторантларнинг самарали илмий фаолият олиб бориши учун шароитлар яхшиланиб бормоқда. Олимлар яратган илмий янгилик ва ихтиролар халқ ҳўжалигига татбиқ этилаётгани уларнинг мамлакат ва жамият ҳаёти учун нақадар муҳим эканини кўрсатмоқда.

Бунга ўз фаолиятимдан бир мисол келтирсам. Самарқанд шаҳрининг “ташриф қозони” ҳисобланган Регис-

тон ансамбли ижодкори — аштархонийлар давлати бош кўмондони, Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўш ҳақида деярли кўпчилик билмасди. Қўшни Қозоғистонда жамоатчилик ўртасида эса Регистон бунёдкори сифатида Баҳодир Ялангтўшга адаш бўлган қозоқ овулларидан бирининг оқсоқоли Баҳодир Жалантўс Сейиткули ули эътироф этиларди. Энг ёмони, шу вақтга қадар қозоқ овули оқсоқоли билан Самарқанд ҳокими алоҳида-алоҳида тарихий шахс эканига на бизнинг, на қардошларимизнинг илмий жамоатчилиги эътибор қаратишди. Тарихий манбаларни излаб Самарқанд ҳокими, Регистон бунёдкори Баҳодир Ялангтўшнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги асл ҳақиқат битилган мақолани оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилдим. Қардошларимизнинг тақлифи билан Қозоғистонда ташкил этилган халқаро анжуманда айни шу мавзудаги маърузам билан қатнашдим. Қозоқ илмий жамоатчилиги бу янгиликни илиқ қабул қилди ва меҳнатимни эътироф этди.

Бу ютуқлар ҳам мамлакатимизда миллий ўзликини англаш, миллий қадриятлар ва маданиятни сақлаш ҳамда ривожлантириш борасида яратилган эркинлик ва ҳуқуқларимиз кафолати мевасидир.



Улбосин МИРЗАНАЗАРОВА, Қорақалпоғистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг маслаҳатчиси:

— Сир эмас, Орол фожиаси нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳон учун жиддий муаммага айланди. Бу худуддан ҳавога кўтарилган туз ва қум зарралари дунёнинг энг олис пучмоқларидан ҳам топилгани сўзимиз исботи.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятининг дастлабки даврида оқсоқоли бўлиб, Орол экологик вазиятини яхшилаш, бу ерда яшаётган аҳолининг оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йилда Оролбўйининг қуриган тубига кенг кўламда саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экиш орқали яшил қопламалар барпо этиш ишлари бошланди.



Президентимизнинг “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умумимиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 23 ноябрдаги Фармони бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби бу ерда ҳам экологик вазиятни яхшилаш, глобал иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини янада юмшатиш, чўл ўсимликларида яшил қопламалар барпо қилиш ишлари изчил давом эттириляпти.

Бу борада 2024 йилнинг ўтган даврида ўрмонлаштириш тадбирларини амалга ошириш учун ўрмон ҳўжаликлари томонидан 489,7 тонна чўл ўсимликлари уруғлари, жумладан, 159,256 тонна саксовул ва 330,46 тонна қорабарак чўл ўсимликлари уруғлари терилди ва экиш ишлари ташкил этилмоқда.

Шукрки, машаққатли меҳнатлар бесамар кетаётгани йўқ, Орол денгизининг қуриган тубидан чанг ва қумларнинг ҳавога кўтарилиши кескин камайишига эришилди. Бу Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси Оролбўйининг олис худудларида ҳам ҳаётни ўзгариштиришга, инсонлар орзуларини рўёбга чиқаришга пойдевор бўлаётгани ифодасидир.

«Халқ сўзи»

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНАЁТГАН ЮРТДА ЯШАЯПМИЗ

Ҳасан ЖОМИРЗАЕВ, Тошкент давлат юридик университети талабаси (Косон тумани):

— Мен ва синглим жуда ёшлигимизда ота-онадан етим қолганмиз. Қариндошларимиз кўлида катта бўлдик. Шу билан бир қаторда, давлатимизнинг биз каби кўнгли ярим инсонларга бўлган ғамхўрлигини доимо ҳис этиб турдик. Бугун ҳам бу эътибор ва ғамхўрлик натижасида ҳаётда ўз



Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасидан.

ўрнимизни топиб, эртанги ёруғ келажгимиз сари дадил одимлаётимиз.

2023 йилда давлатимизнинг биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар учун ажратилган алоҳида имтиёзлари асосида камина Тошкент давлат юридик университети, синглим Зухра эса Қарши давлат университети-га ўқишга кирдик. Иккалаимиз ҳам стипендия оламыз, ётоқхона билан таъминландик.

Яқунланиб бораётган 2024 йил эса ҳаётимда яна бир ўчмас из қолдирди. Менга Косон тумани марказидаги “Янги Ўзбекистон” массивида барпо этилган замонавий уйдан 2 хонали хонадон барча жиҳози билан берилди.

“Уйи борнинг кўнгли тўқ”, деган гап бежиз айтилмаган. Менинг ҳам эртамдан кўнглим тўқ. Давлатимиз томонидан менга массив-

Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш ишларини яқунлаш доирасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поезде синовдан ўтказилди.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш истиқболлари:

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Конференциянинг очилиш маросимида Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори Рафаэль Гросси қайд этганидек, тадбир атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга оид асосий масалалар ва имкониятларни муҳокама қилиш, миллий ва халқаро даражадаги экспертлар ўртасида тажриба ҳамда билим алмашиш учун муҳим платформа бўлиб, ўз навбатида, ИХТга аъзо давлатларнинг барқарор ривожланишига ёрдам беради.

Бугунги кунда замонавий технологияларни ривожлантириш нуктаи назаридан, кичик қувватли атом электр станциялари қурилишини қонунчилик ва институционал тартибга солиш, эксплуатация хавфсизлиги ва атом энергиясидан турли соҳаларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган асосий масалаларни муҳокама қилиш кун тартибидagi долзарб мавзулардан биридир.



Конференция давомида иштирокчилар халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, атом саноатини қонуний тартибга солиш, ижтимоий, экологик ва хавфсизлиkning турли жиҳатлари, ядровий технологиялар

ни тинч мақсадларда ривожлантириш, кадрлар тайёрлашнинг турли масалаларини қўриб чиқди.

Халқаро конференциянинг ялпи сессияси доирасида атом энергетикасини ривожлантириш билан

боғлиқ асосий масалалар муҳокама қилинди. Сессия ушбу соҳанинг етакчи мутахассислари ва иштирокчиларини бирлаштирди, бу эса фикр алмашиш ва барқарор ривожланишга эришиш учун атом энергиясидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш гоёсини илгари суришга ёрдам берди.

ХАЭА бош директори Рафаэль Гросси атом энергетикасини ривожлантириш ташаббуслари ва стратегияларининг глобал шарҳини тақдим этди. Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов мамлакатимизда атом энергетикасининг миллий дастурлари ва истиқболлари хусусида сўз юритди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги директори Азим Аҳмедхўжаев Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги тажрибаси ва жорий лойиҳалари билан ўртоқлашди.

Ялпи сессиядан сўнг атом энергетикаси соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида ҳужжатлар имзоланди.

Конференция доирасидаги панель сессияларда Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларида атом энергиясидан фойдаланиш истиқболлари ўрганилиб, Ўзбекистонда атом энергетикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартлар ва талаблар асосида ядровий объектлар хавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотлар, хусусан, Халқаро атом энергияси агентлигининг тутан ўрни ва роли муҳокама қилинди.

Унда иштирокчилар ядро энергиясининг экологик ва ижтимоий жиҳатлари етакчи ўринни эгаллашди, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ЭСГ стандартлари ва БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари контекстида ИХТ мамлакатларида барқарор ривожланишга эришишга қандай ҳисса қўлиши мумкинлигини қўриб чиқди. Бундан ташқари, атом энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур бўлган инновациялар ва технологияларга, жумладан, атом энергиясидан тинч мақсадларда хавфсиз ва самарали фойдаланишнинг муҳим негизи бўлган таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда атом технологиялари, хусусан, ядро тиббиёти, изотоп ишлаб чиқариш, маълумотлар марказлари ва тадқиқот реакторларини ривожлантириш мамлакатнинг инновацион иқтисодиётга ўтишда ҳаракатлантирувчи кучга айланишига тўртки бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, конференция Ўзбекистоннинг халқаро тажрибани интеграциялаш ва илгор тажрибаларни жорий этишга тайёрлигини намойиш этди, бу эса атом саноати хавфсиз ва самарали ривожланишининг асосий негизидир. Анжуман якунида атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрланди, шунингдек, Марказий Осиё ва ИХТ мамлакатларида келгуси ҳамкорлик йўллари тақдим қилинди.

Абдулпозиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Юнус БҮРИЕВ олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Турк дунёси тадқиқотлар марказида

Озарбайжон Миллий илмлар академияси, Туркия маданият ва туризм вазирлиги, Туркиянинг Чанкири Каратекин университети ҳамда Қўқон давлат педагогика институти ҳамкорлигида Боку шаҳрида III халқаро туркология конгресси бўлиб ўтди.



Озарбайжон, Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистоннинг олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда вакиллари, шунингдек, илмий муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари қатнашган ушбу тадбирда тил, адабиёт, фольклор, маданият, тарих, санъат, ижтимоий сиёсат ва миграция тадқиқотлари, социология, экология, халқаро муносабатлар каби долзарб мавзулар муҳокама қилинди.

Конгресс турк дунёси миллий маданияти ҳамда маданий мероси контекстида олиб борилган тадқиқотлар орқали моддий ва маънавий мероснинг аҳамияти, маданий меросни сақлаш, ижтимоий фанларнинг маданий меросга таъсири каби масалаларни таҳлил этиш, иштирокчи мамлакатларнинг академик муассасалари ўртасидаги илмий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Зиёлилар боғи барпо этилди

“Янги Андижон” массивида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоят олий таълим муассасалари ректорлари ташаббуси билан “Зиёлилар боғи” барпо этилмоқда.



Унда Андижон вилояти ҳокими бошчилигидаги мутахассислар, олий таълим муассасаларидан жами 300 га яқин профессор-ўқитувчилар ҳамда кўнгилли талабалар қатнашди.

Акция давомида вилоят олий таълим муассасалари жамоаси 6 гектар майдонга мингга яқин манзарали ҳамда павловния даракт кўчатлари ўтказиб, қўқалам-зорлаштириш ишларига самарали ҳисса қўшди.

Ўзбек спортчиси га тенг келадигани топилмади

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WT) 2024 йилнинг энг яхшиларини аниқлаш учун спортчилар ва мураббийларнинг овоз бериш натижаларини эълон қилди.



Овоз бериш натижаларига кўра, йилнинг энг яхши эркак спортчиси номинациясида миллий терма жамоамиз аъзоси, икки карра Олимпий ўйинлари ғолиби Улуғбек Рашитов ғолиб бўлди.

Тадқиқлаш маросими Гонконгда давом этаётган пумсе бўйича жаҳон чемпионати доирасида бўлиб ўтди. Унда Улуғбек Рашитов ҳам иштирок этиб, Бутунжаҳон таэквондо федерацияси бош қотиби Сео Жонгкандан совринни қабул қилиб олди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг навбатдаги II конференцияси 2024 йил 28 декабрь кунини соат 10:00 да Тошкент давлат юридик университетининг конференция залида бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 13-уй.

Касаба уюшмаларининг ҳамкорлик стратегияси

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида Душанбе шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши вакиллари учун “Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва меҳнат миграцияси соҳасида касаба уюшмаларининг ҳамкорлик стратегияларини илгари суриш” мавзусида халқаро семинар ўтказилди.

Анжуман

Унда ХМТ, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Озарбайжон вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Марказий Осиёда меҳнат бозоридagi ҳолат, унда ташқи миграциянинг ўрни, ХМТнинг “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги 97-сонли (қайта қўриб чиқилган) ва “Мигрант меҳнаткашлар тўғрисида”ги (қўшимча қоидалар киритилган) 143-сонли конвенцияларини ратификация қилишни илгари суриш, субминтақадagi меҳнат миграцияси муаммоларига урғу берган ҳолда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Марказий Осиё касаба уюшмаларининг роли, инкироз шароитларида иқтисодий ривожланиш — инкироздан чиқиш бўйича стратегиялар, минтақадa сув ресурсларини барқарор бошқариш ва иқтисодий ривожланиш учун улардан самарали фойдаланиш каби масалалар муҳокама этилди.

Тақдимотларда сўзга чиққан миллий касаба уюшмалари марказлари вакиллари ўз мамлакатларидаги демографик, меҳнат бозори ва меҳнат миграцияси ҳолати, унинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг турмуш тарзида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари ва ХМТ вакиллари меҳнат мухожирларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш,



уларни тилга, касбга ўқитиш, муаммоларини ҳал қилишга қўмаклашиш ва бунда касаба уюшмаларининг фаоллигини янада ошириш, меҳнат муҳофазаси, хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитлари яратилишига эришиш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш масалаларини муҳокамадан ўтказдилар.

Халқаро семинарда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Руслан Раҳмонов мамлакатдаги демографик ва меҳнат бозори ҳолати, ташқи меҳнат миграцияси ва мухожирларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат ва касаба уюшмалари томонидан

олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар тақдим этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Гаибназарова эса сув ре-

маслаҳатлар бериб боришини ташкил этиш, улар масалаларини миллий даражада бош жамоа келишувини орқали ҳал этиш тақлифларини билдирди. Шу билан бирга, касаба уюшмалари томонидан меҳнат мухожирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни соғломлаштириш, ҳуқуқий маслаҳат бериш каби йўналишлардаги ишларнинг йўлга қўйилиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этди.

ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун бюроси катта мутахассиси Гоча Александриа бугунги кунда дунё бўйича 169 млн. киши ташқи меҳнат миграциясида эканлиги, лекин улар ўша давлат фуқароларига нисбатан 25 фоиз кам иш ҳақи олиши, улар ўртасида мажбурий меҳнат хавфи ҳам юқори эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, ХМТнинг барча қабул қилган конвенциялари меҳнат мухожирларига ҳам тааллуқли эканлиги, яъни уларда ҳам барча меҳнат ҳуқуқлари бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Семинарда Орол денгизи фожиаси ва унинг минтақа иқлими ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсири, бунинг натижасида меҳнат бозоридagi ўзгаришлар, қўллаб иш ўринлари йўқолиши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш хусусида ҳам сўз борди.

Яқунда билдирилган тақлифларни умумлаштирган ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритишга келишиб олинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

Жаҳон драматургияси намуналаридан таржима қилинган асарлар бўйича ҳар йили «Энг яхши таржима саҳна асарлари» танлови жорий этилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазлиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мушаххис — С. Исмолов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши